

**«Avtokomponent» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг йиғилиш  
Б а ё н и № 1**

**Сана:** 2018 йил « 15 » август

**Манзил:** Тошкент шаҳри, А.Темур кучаси, 13 уй.

**Катнашганлар:**

Кузатув кенгаши раиси: Шукуров А.О.  
Кузатув кенгаши аъзолари: Пак А.В., Гафаров С.И.,  
Рахронов Б.С., Акилов Х.Н.

**Таклиф килинганлар:**

Отахонов О.Ш. – жамият бош директори;  
Рахронов А.Д. – жамият юридик хизмати бошлиғи;

**Кворум:** 100 %.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-2454-сонли қарори ижроси тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Кузатув кенгаши раиси А.К.Шукуров сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-2454-сонли қарори ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари билан акциядорлик жамиятларига кўйилган талаблари билан йиғилиш қаташчиларини таништирди. Сўзини давом эттириб, жамиятда мавжуд барча имконият ва манбаалар ўрганиб чиқилганлигини, ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига асосан жамиятни хусусий мулкчилик шаклининг бошқа шаклига яъни жамиятни белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўзгартирилишга ҳақли эканлигини, шунга кўра жамият кузатув кенгаши томонидан жамиятни масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш масаласи ўрганиб чиқилганлигини, кузатув кенгаши аъзолари томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятига айлантириш масаласи киритилиши кўзда тутилса, қонунчилик талабларига асосан жамият мустақил баховчи корхонасини ёллаши ва жамиятнинг бир дона акциясининг бозор қийматини аниқлаши лозимлиги белгиланганлигини инобатга олиб, шунингдек, жамият акциядорларининг қонунчилик билан белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида жамият мустақил бахоловчи корхонаси билан жамият акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш бўйича шартнома тузиш ва акциянинг бозор баҳосини аниқлаш бўйича ҳулосасини олишлик учун тегишли бахолош компанияси (Анджон эксперт бахолош қосалтинг) билан шартнома тузишлик ва ҳулосасини олишлигини таклиф этди.

*Муҳокамалар якуни бўйича, таклифлар овоз қўйилди. Овоз бериш якунларига кўра:  
Тарафдор- 5 нафар ёки 100 фоиз, Қаршилар- йук, Бетарафлар- йук.*

Юқоридагиларни инобатга олиб, «Avtokomponent» АЖ узатув кенгаши аъзоларининг йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПК-2454-сонли қарорига мувофиқ ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, «Avtokomponent» акциядорлик жамиятининг ташкилий ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш орқали қайта ташкил этилиши маъқуллансин.

2. Акциядорлик жамияти Низом жамғармасидаги бир дона акциянинг бозор қийматини аниқлаш бўйича тегишли баҳолаш компанияси билан шартнома тузилсин ва ҳисоботи олинсин.

Мазкур қарорларнинг ижро этилиши белгиланган тартибда амалга оширилсин.

Кузатув кенгаши раиси:

  
\_\_\_\_\_ А.К.Шукуров

Кузатув кенгаши аъзолари:

\_\_\_\_\_ А.В.Пак

\_\_\_\_\_ С.И.Гафаров

\_\_\_\_\_ Б.С.Рахмонов

\_\_\_\_\_ Х.Н.Акилов

Йиғилиш котиби:

  
\_\_\_\_\_ А.Д.Рахмонов